Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 11 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (10.646)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари бўйича Қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида «Банк ва молия бозорида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда комплекс равишда банк хизматлари кўрсатувчи банкларнинг инфратузилмасини кенгайтириш кичик бизнес корхоналари, фермерлар ва аҳолининг банк хизматларидан кенг фойдаланиши масаласининг асосий ечими экани таъкидланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети ижроси ҳамда 2006 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

● Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Навоий шаҳрида вилоятда фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари кўмагида ҳашар йўли билан Хотира майдони бунёд этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Нукус туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Ўрнак» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди.

● Тошкентда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан халқ таълими вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, республика синов ва сертификатлаштириш маркази, Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида «Энг зукко ёш истеъмолчи — 2006» III Республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

● Андижон шаҳрида «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамиятининг «Китоб маркази» очилди. Янги марказга «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Аср ошган асарлар», «Болалар адабиёти» каби туркум бадиий асарлар келтирилди.

● Зарафшондаги «Прогресс» стадионида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида дўстлик форуми ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Зарафшон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман «Ўзбекистонда яшовчи турли миллатлар ва ёшлар жиноятчиликка, терроризм ва гиёвандликка қарши» шиори остида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Италия Президентлигига коммунист, умрбод сенатор, 80 ёшли Жоржо Наполитано сайланди. У ўз вазифасини бажаришга келаси душанба кунидан бошлаб киришади.

● Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда қатнашаётган тўртлик — АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ Фаластин мухториятига четдан молиявий ёрдам кўрсатишни вақтинчалик тиклашни бир овоздан маъқулладилар. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг маълум қилишича, молиявий ёрдам кўрсатиш уч ой давомида амалга оширилади.

● Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажод АҚШ раҳбари Жорж Бушга мактуб йўллади. Бу икки давлат ўртасида 1980 йилда дипломатик муносабатлар бузилганидан сўнг дастлабки тўғридан-тўғри мулоқотдир. Мактубда ҳозирги глобал вазиятни таҳлил қилиш ва мавжуд муаммолар илдизига назар ташлаш билан бирга, уларни бартараф этишнинг янги йўллари таклиф қилинган.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан мукофот сифатида олган 500 минг долларни ҳукумат кучлари ва исёнчи гуруҳлар ўртасида кечган кўп йиллик урушлар туфайли анча ночор аҳволга келиб қолган Суданнинг ғарбидаги Дарфур музофотига инсонпарварлик кўмаги сифатида юборажагини билдирди.

● Сибирь ва Приморье ўлкасидаги ўрмонларда кучли ёнғинлар бошланди. Айни пайтда Новосибирск вилоятидан бошланган ва 22 жойда қайд этилган ёнғинлар 666,2 гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурмоқда.

● «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг маълум қилишича, бир нечта партиялар вакилларидан ташкил топган Непалнинг янги ҳукумати мамлакатнинг чет элдаги 12 элчисини чақириб олиш ҳақида қарор қабул қилган.

● Франциянинг Марсель шаҳридан келтирилган махсус техникалар ёрдамида бугун Қора денгиз тубидан ҳалокатга учраган «АН-320» самолётининг қора қутиларини излаш ишлари амалга оширилади.

● Кабардино-Болқорияннинг Эльбрус тоғларида кучли бўрон ва туман шароитларида адашиб қолган ўн нафар альпинистни қидириш-қутқариш ишлари амалга оширилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 12 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Сергели туманидаги 13-кўприк қурилиш корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Туркқўрғон» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Оила» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Баркамол авлод» шиори остида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Ибрат» деб номланди.

●**БУГУН** Чилонзор туманидаги 232-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамда «Камолот»нинг 232-мактаб бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида 4,9-синф ўқувчилари ўртасида «Камолот»да футбол ҳафталиги» шиори остида ЭРТАДАН бошланадиган мусобақаларга қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

●**ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Тошнефтгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятида «Огоҳликка даъват» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

●**ЎТГАН КУНИ** «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» фаоллари, етакчилари, сардорлари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олишди, уларга совғалар туҳфа этишди.

●**БУГУН** Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида Халқаро Оила куни муносабати билан уюштирилган спорт мусобақаларида оилавий жамоалар ўзаро беллашди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабда туман Ўқувчилар ижодиёти маркази, «Баҳор» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорликларида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

●**КЕЧА** Чилонзор туманидаги 173-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, фахрийлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ҳамиша қалбимиздасиз» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциацияси «Солиқ тизими ислоҳоти: муаммолар ва истиқболлар» мавзуида ўтказилган анжуманда шаҳримиздаги солиқ идоралари ходимлари, банклар мутахассислари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** кимё-технология институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Умидли кимёгар—2006» ҳафталиги доирасида тадбир уюштирилди.

● **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти Собир Раҳимов туман бўлимининг анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА «ЯНГИ АВЛОД — 2006» БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. У ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИГИДА INTERNATIONAL EXHIBITION GROUP ВА IEG UZBEKISTAN ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА КОМПАНИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.



«ЯНГИ АВЛОД — 2006» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Тадбирда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётир. Ушбу кўргазма уч бўлим — спорт ва истироҳат, таълим, болалар ва ўсмирларга оид либослар ва инвентарларни ўз ичига олган.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, юртимизда ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида изчил ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий мактаблар, лицейлар, спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Уларда минглаб ўғил-қизлар таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганмоқда, спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Кўргазмадан жой олган экспонатлар орасида айниқса спорт инвентарлари катта қизиқиш уйғотмоқда. Қувонарлиси шундаки, тадбирда юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кенг ўрин эгаллаган. Хусусан, Андижон вилоятидаги «Хўжаобод» фабрикаси ўзининг кураш гиламлари, татами, футбол, гандбол, теннис, баскетбол анжомлари билан иштирок этаётган бўлса, Тошкентдаги «Алиев» компанияси боксга оид маҳсулотларини намойиш қилмоқда.



Кўргазмада, шунингдек, Россиянинг «Мастерфайбр», «Бамард», «Ёлочка» компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. «Inter Agro Servis» қўшма корхонаси Беларусдан келтирилган велосипед ва мотоцикларни харидорлар эътиборига ҳавола қилган. Бангладеш компаниялари эса асосан спорт кийим- кечакларини тақдим этган.



Мамлакатимизда ёш авлодга узлуксиз таълим-тарбия бериш жараёнининг барча бўғинларини изчил қамраб олган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурларида ўқувчи ва талабаларни спортга ялпи жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан «Янги авлод — 2006» халқаро кўргазмаси юртимизда бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган хайрли ишлар кўламининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири

Тақдимот


СИФАТНИ ОШИРАДИ

КУНИ КЕЧА «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИДА «RAPIDA-105» РУСУМИДАГИ ХОРИЖИЙ, ЮКСАК САМАРАЛИ МАТБАА МАШИНАСИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

—Бозор иқтисодиёти шароити талаблари асосида иш кўрмоқдамиз, —деди жумладан, тадбирни очар экан, ижодий уй директори Зоир Исажонов. —Матбаачилигимизда янада сифатли, юқори унумли маҳсулотлар яратиш мумкин бўлган дастгоҳ ва ускуналарда ишлаш, давр талаби. Айтиш керакки, Германия давлатининг дунёга машҳур концерни офсет-босма дастгоҳ, ускуналар яратишда етакчи ҳисобланади ва немислар яратган тўрт рангли босма машина «RAPIDA-105» корхонамизга келтирилиб, ишга туширилди.

Сифатли қоғозда ишловчи мазкур машина тўла қувватда 1 соатда 18 минг қоғоз маҳсулот тайёрлайди. У нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширди, балки янги юқори сифат кўрсаткичларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ўқувчиларга мўлжалланган дарсликлар, кўргазмали қуроллар сифатини анчагина юксалтиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи юртимизда ўз соҳасининг энг йириги, етакчиси ҳисобланиб, 700 нафардан ортиқ малакали ишчи-хизматчилар буюртмага асосан китоб, журнал, газеталар, қимматли қоғоз (акция, лотерея билетлари, облигациялар), гувоҳнома, бланклар, этикетка ва бошқа сифатли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар.



Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган корхона тадбиркорлари доимий изланишда. Улар цехларни янги дастгоҳ ва ускуналар билан таъминлаш борасида янги ҳамкорлар, лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар. Хусусан, юртимизда муваффақиятли иш юритаётган «Kapitalbank» билан корхона ўртасида узоқ йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланганлиги ҳам ютуқлар омили ҳисобланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТДА: янги матбаа ускунасининг кўриниши.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ҲАМДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 61 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕРЛИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ГЕРМАНИЯНИНГ ТУРЛИ ШАҲАРЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН СОБИҚ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН ҚАБУЛ МАРОСИМИ УЮШТИРИЛДИ.

ФАХРИЙЛАР БЕРЛИНДА ҲАМ ТАҚДИРЛАНДИ

Фахрийлар шаънига айтилган табрик сўзларда уларнинг собитлиги, жасур ва қаҳрамонликлари ҳамда ватанпарварлиги туфайли мамлакат бугунги бахтли, тинч ва осуда ҳаётга эришгани қайд этилди. Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчиси Б.Ғуломов собиқ ватандошларимизга нишон ва эсдалик совғаларни топширди.

Маросимга ташриф буюрган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номидан сўзга чиққан З.Бибинова Ўзбекистонда ва хорижда яшаётган уруш фахрийларига бўлган эътибори учун республикамиз ҳукуматига катта миннатдорлик билдирди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА Берлин

Маҳалланг — ота-онанг

МАМЛАКАТИМИЗДА УСТУВОР ҲИСОБЛАНГАН «КУЧЛИ ДАВЛАТДАН - КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ» ТАМОЙИЛИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАЁТГАНИНИНГ ГУВОҲИМИЗ. АЙНИҚСА ШУ КУНЛАРДА АҲОЛИ ФАОЛЛИГИНИНГ АНЧА СЕЗИЛАРЛИЛИГИ КУЗАТИЛАЁТГАН МАҲАЛЛАЛАРИМИЗДА БУ ТАМОЙИЛ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА ДЕСАК АСЛО АДАШМАЙМИЗ. МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ЎТГАН ИККИ ЯРИМ ЙИЛ ИЧИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН БЕВОСИТА САЙЛОВЧИЛАРИ ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРМОҚДАЛАР. ЎЗ НАВБАТИДА, МАҲАЛЛА АҲЛИ ҲАМ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ ОҚСОҚОЛЛИККА ДАЪВОГАР БИР НЕЧТА НОМЗОД ОРАСИДАН ЭНГ МУНОСИБИГА ОВОЗ БЕРИШДЕК МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАНИ АДО ЭТИШГА КИРИШГАН.

Албатта, ўтган даврнинг нечоғлик самарали ва сермазмун бўлганига якуний хулосани маҳаллада доимий истиқомат қилувчи инсонлар чиқаради. Қолаверса, сўнги сўз ҳам — амалдаги оқсоқолнинг кейинги муддатга қолиш-қолмаслиги ёки бошқа хақчил инсонни маҳалла боши қилиб сайлаш маҳалла фуқаролари томонидан айтилади.

Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти пойдевори мана шундай жараёнларда шаклланиб бормоқда. Бу борада фақат олдинга интилиб, шахдам-шахдам қадам қўйиш орқали мустаҳкам замин яратиш мумкиндир. Шундай бўлиб қолади ҳам. Зеро, жамиятимизнинг асоси ва таянчини кишиларни узилмас ришталар билан бирлаштирувчи кучга қодирлиги боис ноёб жамоат тузилмаси деб аталмиш ва асрлар оша қадр-қиммат ила эъзозланиб келинаётган маҳалла ташкил этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Бу борада ҳозирча натижалар ҳақида гапиришга бироз вақт бор. Республикамизда 10 мингдан зиёд маҳалла бўлса, шундан 80-85 фоизида номзодларни кўрсатиш, аҳоли ўртасида фаолликни кучайтириш бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари, яъни ташкилий жараён қизғин давом этмоқда. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу воқеадан ҳеч биримиз четда қолмаслигимиз лозимдир. Таъкидлаш ўринлики, бизнинг бугунги фаоллигимиз, шубҳасиз, кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори янада мустаҳкам бўлишига бевосита боғликдир.

Маҳалла бошида бўлишга ким лойиқ? Келгуси икки ярим йил ичида умумий муаммоларимизни ким билан ҳал этамиз? Сайлов кампанияси қандай ўтмоқда? Сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат? Илгари маълум қилганимиздек, газетхонларимизнинг шу каби саволларига Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мирзаюсуф РУСТАМБАЕВ ва «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Раҳимжон НОДИРОВ билан бўлган тўғридан-тўғри мулоқот давомида жавоб олишга ҳаракат қилдик.

«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари томонидан ташкил этилган икки соатлик бевосита мулоқот мобайнида шаҳримиз аҳолиси томонидан 50 дан зиёд саволлар тушди. Уларнинг аксарияти сайловларга тааллуқли бўлсада, аммо маҳаллага оид бошқа масалалар ҳам кўп маротаба кўтарилганини эътироф этмоқ лозим. Қуйида газетхонларимиз эътиборига савол-жавоблардан иборат ушбу бевосита мулоқотнинг қисқача мазмундаги баёнини ҳавола этишни маъқул деб топдик.

Маҳмуд ФАЙЗИЕВ (Шайхонтоҳур тумани, «Сарҳумдон» маҳалласи), Комилжон АСАДОВ (Собир Раҳимов тумани): Маҳалла оқсоқоли бир йўла иккинчи жойда ҳам ишлаши мумкинми?

— Амалдаги қонунчиликда бунинг учун ҳеч қандай таъқиқ йўқ. Аммо, бизнингча, фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири саналмиш ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари ўз олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан амалга оширар экан, бу анча вақт ва профессионал ёндашувни талаб қилади. Икки жойда ишлайдиган раис бир пайтнинг ўзида иккита фаолиятни амалга оширишга қийналиб қолиши мумкин. Қолаверса, ишнинг унуми ҳам шунга яраша бўлади.

Назокат ТОЖИБОЕВА (Чилонзор тумани, 17-мавзе), Доно НИШОНОВА (Собир Раҳимов тумани, «Бешкўргон» маҳалласи): Қўшни маҳаллада истиқомат қиладиган, обрўли фуқарони оқсоқолликка сайласа бўладими?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши керак. Бошқа фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқароларни номзод сифатида кўрсатиб ва бинобарин, сайлаб бўлмайди.

Шаҳло ҲОШИМОВА (Собир Раҳимов тумани, Абдували Қаюмов номли маҳалла, шаҳар «Камолот» ЁИҲ етакчиси): Маҳалла оқсоқоллари қайси қонунга асосан сайланади?

— Фуқаролар йиғинлари раислари сайловлари, шунингдек, уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105-модда), 1999 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (20-модда) ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Дилором ШАЙХОВА, Ўзбекистон Миллий университети магистранти: Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар қайси манбалар ҳисобига молиялаштирилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайлов тадбирларини ўтказиш борасида молиявий масалаларни турли манбалар ҳисобидан, шу жумладан ҳокимлик ёки ҳомийларни жалб этган ҳолда ҳал этиш мумкин.

Марина НАЗАРОВА (Яккасарой тумани, «Ракат» маҳалласи): Қандай ҳолларда сайловлар ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилади?

— Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига биноан фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлови чоғида қоидабузарликка йўл қўйилиб, оқибатда бу овоз бериш якунларига ҳам таъсир қилса, сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сарвиноз ХОЛИҚОВА (Собир Раҳимов тумани): Фуқаролар йиғинига сайловлар такрорий ўтказилиши мумкинми?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади.

Агарда аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса; такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса; фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

Улуғбек БЕКМУҲАМЕДОВ («Оққўрғон» маҳалласи): Амалдаги оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари, агар ўз номзодларини янги муддатга қўйишмаса, ишчи гуруҳи таркибида бўлиши мумкинми?

— Ҳар қандай ҳолда ҳам фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Абдуқодир НИЁЗОВ (Аҳмаджон Назаров номли маҳалла): Амалдаги оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари ишчи гуруҳи ишига аралашиши мумкинми?

— Йўқ, оқсоқол ҳам, унинг маслаҳатчилари ҳам ишчи гуруҳи фаолиятига аралашиши асло мумкин эмас.

Файзулла МАҲКАМОВ («Бешқайрағоч» маҳалласи), Маҳмуда АҲМЕДОВА («Шарқ гули» маҳалласи): Оқсоқолликка ўз номзодини илгари судланган фуқаро ҳам кўрсатган. Аҳолининг бунга эътирози бор, албатта. Қонунчиликда бундай ҳолат инобатга олинганми?

— Агар фуқаронинг судланганлиги олиб ташланган бўлса, у фуқаролар йиғини раислигига ўз номзодини қўйиши мумкин.

Ринат ДОЛИМОВ («Мевазор» маҳалласи): Фуқаролар йиғини кенгаши қандай шакллантирилади?

— Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси, унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

Александр АЙЗИМЕ (Файзулла Хўжаев номли маҳалла): Вакил бўлмаган фуқароларнинг сайловда иштирок этиши мумкинми?

— Албатта иштирок этиши мумкин. Агар сайлов вакиллар орқали ўтказилса, фақатгина вакиллар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Қолган шахслар эса жараённи бевосита кузатиши мумкин.

Шохруҳ КОМИЛОВ, Тошкент юридик касб-ҳунар коллежи талабаси: Қонунчиликда оқсоқоллар сайловини яширин овоз бериш орқали ҳам ўтказиш кўзда тутилганми?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Ҳар бир сайлаш ҳуқуқига эга фуқаро яширин овоз бериш ҳуқуқига эга. Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида, фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини тарқатиш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

Улуғбек АШУРОВ (Бобур номли маҳалла). Долимбой ОДИЛОВ (Чилонзор тумани), Манзура ҲАСАНОВА («Тарновбоши» маҳалласи): Нима учун маҳалла оқсоқоллари икки ярим йил муддатга сайланади? Икки ярим йил муддат оқсоқол учун ўз режаларини амалга ошириш учун етарлими? Бир маҳалла раиси кетма-кет оқсоқолликка сайланиш ҳуқуқига эгами?

—Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-модасига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Икки ярим йил муддат оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари учун ўз режаларини бажариш ва ўзларини кўрсатиш учун етарли. Шунингдек, қонунчиликда уларнинг кетма-кет сайланиши учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Агар фуқаролар лозим деб топишса, бир шахсни бир неча маротаба кетма-кет сайлашлари мумкин. Амалиётда бундай оқсоқоллар кўпчиликни ташкил этади.

Нодира РАҲИМОВА (Ҳамза тумани, Мирзо Иброҳим номли маҳалла): Обрўли, маҳаллани яхши биладиган ва аҳолининг ҳурмат- эътиборига сазовор бўлган, лекин олий маълумотга эга бўлмаган инсонни оқсоқол қилиб сайлаш мумкинми?

— «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодларнинг қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши қайд этилган. Аммо ушбу меъёр императив характерга эга эмас. Агар бу талабга жавоб берадиган номзодлар топилмаса, олий маълумотли бўлмаса ҳам, номзод сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Масалан, 2003 йил ноябрь-декабрь ойларидаги фуқаролар йиғинлари сайлов якунларига кўра, фуқаролар йиғинларининг жами 8360 нафар раиси ҳамда уларнинг 80 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланди. Йиғин раҳбарларининг маълумот даражаси ўсган. Раисларнинг 75,7 фоизи ва раис маслаҳатчиларининг 51,7 фоизи — олий маълумотли бўлиб, улар асосан ўқитувчилар, иқтисодчилар, муҳандислар ва агрономлардир.

Турсуной МАГРУПОВА («Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалласи): Фуқаролар йиғини раиси лавозимига аёлларни сайласа бўладими?

— Албатта. Фуқаролар йиғини раислигига номзодлар кўрсатиш жинсидан қатъи назар тенглик тамойили асосида амалга оширилади. Масалан, 2003 йил ноябрь-декабрь ойларидаги фуқаролар йиғинига сайлов якунларига кўра, йиғин раҳбарларининг 8,7 фоизини аёллар ташкил этди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги 474 маҳалладан 36 тасида аёллар раҳбарлик қилиб келмоқда.

Умид НИҒМАТОВ (Абдулла Авлоний номли маҳалла): Қонунчиликда оқсоқолнинг ёши белгиланганми?

— Оқсоқоликка номзодларга ёш цензи қонунчиликда аниқ белгиланмаган. 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга. Аммо номзодлар кўрсатишда шуни эътиборга олиш керакки, номзод ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обру-эътиборга эга бўлиши керак. Ҳаётий тажриба ва обрў-эътибор эса бир неча йиллар давомида тўпланади.

Жаҳонгир АЛИМОВ (Собир Раҳимов тумани, «Ниҳол» маҳалласи), Ҳафиза РАҲМАТУЛЛАЕВА (Тошкент эстрада-цирк касб-ҳунар коллежи талабаси), Мавлуда ҒУЛОМОВА («Бектемир» маҳалласи): Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиларини ким сайлайди, улар кимлардан иборат бўлади ва қайси йўналишлар бўйича ишлайди?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари — фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

Маҳалла оқсоқоли маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси томонидан тақдим этилади.

Шокир ВАҲОБОВ (Собир Раҳимов тумани): Вакиллар миқдори қонунда кўрсатилганми?

— Йўқ. Вакиллик меъёрини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар.

Бу йилги сайловларда Тошкент шаҳрида ҳар 30 та сайловчига 1 та вакил белгиланган.

Гулноза ҚОДИРОВА (Абдували Қаюмов номли маҳалла): Вакиллик сайловида дугонамга овоз бердим. Бевосита сайловда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқим борми?

— Сайлов жараёнида иштирок этишингиз мумкин. Аммо овоз бериш ҳуқуқига эга эмассиз. Фақатгина вакиллар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Аҳмад АКБАРОВ (Абдулла Қодирий номли маҳалла): Такрорий овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказиш қонунда кўзда тутилганми?

—Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Шоҳруҳ ЗОКИРОВ (Юнусобод тумани, Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла): Ёшим йигирма бешда. Оқсоқолликка номзодимни қўйишим мумкинми?

— Қонунчиликда бўлажак оқсоқолларнинг бевосита ёши хусусида тартиб белгиланмаган. Демак, сиз фуқаролар йиғини раислигига ўз номзодингизни қўйишингиз мумкин. Аммо, қоида тариқасида, ҳар бир номзод олий маълумотли, сайлов кунида тегишли ҳудудда доимий яшаб туриши, шунингдек, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Барно ШУКУРОВА (Ҳамза тумани, «Янгиобод» маҳалласи): Сайловда иштирок этиш учун қандай ҳужжат кўрсатилиши керак?

— Шахсни тасдиқловчи ҳужжат. Аниқроғи фуқаролик паспорти.

Дмитрий РОЗАНОВ (Яккасарой тумани, «Қушбеги» маҳалласи): Оқсоқолликка номзодларни кўрсатдик, аммо фуқаролар янги номзодларни тавсия этмоқдалар. Ушбу жараённи қачонгача давом эттириш мумкин?

— Маълумки, фуқаролар йиғини сайловлари жорий йилнинг май-июнь ойлари давомида бўлиб ўтади. Шуни инобатга олган ҳолда, агарда сизнинг маҳалангизда сайлов ўтказиладиган муддатга қадар анча вақт бўлса, яъни, қонунчиликда белгиланишича, ҳали камида 10 кун бўлса, қўшимча тариқасида оқсоқолликка номзодлар кўрсатиш жараёнини давом эттириш мумкин. Бу дегани оқсоқолликка номзодлар кўрсатиш сайловга ўн кун қолганда тугатилади.

Акбар ҒОЙИБНАЗАРОВ («Юнусобод» маҳалласи): Ўз ишим билан машғул бўлиб, оқсоқол аниқ нима билан шуғулланишини билмас эканман. Сайловолди жараёнида маҳалла оқсақоли ваколатлари ҳусусида бироз маълумотга эга бўлсам дегандим.

— Қонунчиликда бу қуйидагича белгиланади:

Фуқаролар йиғинининг раиси фуқаролар йиғинини чақиради; раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади; қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди; фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади; эгасиз мол-мулкни, шунингдек мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади; кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади; ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади; вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бир қатор ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шуҳрат СУЛТОНОВ, Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишчи гуруҳи раиси: Барча тегишли услубий қўлланмалар ишчи гуруҳимиз фаолиятида қўл келмоқда. Шундай бўлсада, маҳалламиз фуқаролари — турли миллат вакиллари сайловларга оид тегишли меъёрий-қонунчилик ҳужжатлари билан рус тилида ҳам танишиш истагини билдирмоқдалар. Уларнинг илтимосини қондириш имконияти борми?

— Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Яккасарой туман комиссияси томонидан тайёрланган тўрт жилддан иборат сайловларга доир ҳужжатлар тўплами рус тилида ҳам чоп этилган ва эҳтиёжга қараб, туман комиссиялари томонидан тақсимланмоқда. Аҳмад Дониш номидаги маҳалла ишчи гуруҳига ҳам шу тўпламлар намуналари, шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти томонидан тайёрланган «Фуқаролар йиғини сайлови-2006: савол-жавоблар» китоби ҳам албатта етказилади.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси: Маълум бўлишича, яқинда Марказий сайлов комиссияси негизида сайлов тизимини такомиллаштиришга доир махсус Кенгаш ташкил этилган. Мазкур Кенгаш ҳозирги сайлов жараёнига, яъни маҳалла оқсоқоллари сайловларига ҳам кўмаклашишга ваколатлими?

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузурида илмий-услубий Кенгаш тузиш режалаштирилган ва айни пайтда унинг низом лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ушбу Кенгаш авваламбор сайлов тизимини, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш, ушбу жараёнларни ўтказиш бўйича комиссияларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган ва жамоатчилик асосида ишловчи орган бўлади. Шунингдек, сайлов технологияларини ривожлантириш, сайлов жараёнининг илмий, қонунчилик, ахборот-тушунтириш, таҳлилий, ташкилий ва технологик негизларини такомиллаштириш ҳам Кенгашнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бевосита Марказий сайлов комиссиялари аъзолари мамлакатимизда ҳозирги пайтда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларни ўтказиш борасида маҳаллий Кенгашларга услубий ёрдам кўрсатиш, шу масала юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ўтказиладиган семинар ва анжуманларда оқсоқоллар сайлови қонун-қоидалари бўйича маърузалар қилиш, шунингдек, сайлов ташкилотчиларининг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш борасида тажрибасини ўрганиш каби вазифаларни амалга оширмоқдалар.

ТАҲРИРИЯТДАН. Шубҳасиз, газетанинг битта саҳифасида газетхонларимизнинг барча саволларига мутасаддилар жавобларини бериш юзасидан имконият йўқ. Қолаверса, икки соат бўлиб ўтган мулоқот пайтида ўқувчиларимиз ҳам сайловларга оид исталган фикрларини билдириб улгурганлар дея олмаймиз. Шуларни назарда тутган ҳолда ҳамда сайлов кампанияси ҳали деярли икки ой давом этишини ҳисобга олиб, маҳалладошларимиз қуйидаги телефонлар орқали биз билан доимо алоқада бўлиб қолишларини истаб қоламиз: 136-53-10, 139-05-68.

Бевосита мулоқотнинг ташкилий масалаларида яқиндан ёрдам берган Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимига миннатдорчилик билдириб қоламиз.

Мулоқот материалларини Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА тайёрлади.

Бевосита мулоқот

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ КИШИЛАР ФАОЛЛИГИ ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНАДИ





Маънавият — ақл кўзгуси

ДОНИШМАНДЛАР ОДОБ-АХЛОҚ ТЎҒРИСИДА

Бир донишманддан сўрадилар:

— Одам учун ярашадиган либослар ичида энг гўзали қандай кийим?

Донишманд жавоб берди:

— Одам учун ярашадиган энг гўзал либос, бу одоб-ахлоқ либосидир. Киши қиёфасини безайдиган, унинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бундан ортиқ гўзал либосни топиш қийин.

* * *

Шайх Саъдий айтади:

— Сўз сўзлаган вақтимда оғзимдан беихтиёр ярамас, бўлмағур сўзлар ҳам чиқиши мумкин. Душман эса оғзимдан чиққан ёмон сўзларнигина териб олади, чунки душманнинг назари ёмондан бўлакка тушмайди. Шунинг учун сўз сўзламасдан сукут қилишни ихтиёр қилдим, деб бир дўстимга айтган эдим, дўстим:

— Душман яхшиликни кўрмасдан лазватланади, — деди.

* * *

Жалолиддин Румий айтади:

— Беадабнинг ёмонлиги фақат ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам зарар етказади. Адабсизнинг устига келган офат, фалокат унинг адабсизлигидир. Ҳар ким адабсизлик йўлига қадам қўйса, қайғу ҳасрат ўтида ёнади.

* * *

Абу Али ибн Сино айтади:

— Ҳаё инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.

Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

Анжуманлар

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БЎЛИМИ, МАЗКУР ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ ҲАМДА ТУМАН МАРКАЗЛАШГАН КУТУБХОНАЛАР ТИЗИМИ РАҲБАРИЯТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚАРО БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАБ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА «КИТОБНИНГ ОЧИЛИШИ — ҲАЁТНИНГ ОЧИЛИШИ» НОМЛИ БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушбу байрам тадбири болалар ва ёшларни ўқишга, китоб орқали маънавий юксалишга ва адабий ижодиёт соҳасида болалар ёзувчиларининг фаолиятини кенгроқ таништириш мақсадида ўтказилди. Болалар китоблари фестивалида Мирзо Улуғбек туманидаги 64, 18, 99- мактаблар ўқувчилари ҳамда, тумандаги мавжуд кутубхоналар аъзолари иштирок этдилар. Тадбирда болаларга мўлжалланган янги рангли китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган болаларнинг севимли шоир ва ёзувчилари Раим Фарҳодий ва Миразиз Аъзам сўзга чиқиб ўз ижодий фаолиятлари тўғрисида, шунингдек, китоб бебаҳо хазина эканлиги, ундан доимо баҳраманд бўлиш ёшларни камолот чўққилари сари етаклашда муҳим омил эканлигини уқтириб ўтдилар. Шунингдек, тадбирда болаларнинг бадиий ўқиши ва «Севган ёзувчим саҳифаларидан» мавзусида болалар расмлари мусобақалари ўтказилди. Ўқувчилар севимли шоирларининг шеърларидан ёд олдилар. Тумандаги «Феруза» ва «Гулшан» номли маданият уйи бадиий жамоаси ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, гўзал рақслар кечага янада файз бағишлади. Тадбир сўнгида ғолиб деб топилган ўқувчилар. Ҳомийлар томонидан бир неча хил болалар китоблари билан тақдирландилар.

— Китоб инсонга маънавий озиқ берадиган энг бебаҳо хазинадир. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам ёшлар қалбида китобга бўлган қизиқишни, меҳр-муҳаббатни янада кучайтириш,улар онгида миллат ғурурни, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборат,—дейди «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари Ҳалима Жуманиёзова.— Китоб инсонни маънавий камолотга ундовчи қудратли воситадир. Ўйлайманки, болажонларни бадиий китоблар ўқишлари учун кутубхоналарга кенг жалб қилиш зарур. Нафақат ўзбек адабиётини, балки жаҳон адабиётини ўқиш, билимларини янада бойитишлари муҳим эканлигини тушунтириш лозим. Ёшлар қалбига эзгулик туйғуларини сингдиришда мана шундай тадбирларнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга деб биламан.

Гулнора ШОКИРОВА

Тадбирлар

ЎҚУВ МАСКАНИДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

ЯҚИНДА ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭЛ АРДОҚЛАГАН ШОИР» МАВЗУСИДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечада шоир Абдулла Орипов, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири, шоирлар Минҳожиддин Мирзо, Рустам Мусурмон ва режиссёр Абдураҳмон Абдуназаровлар иштирок этишди. Тадбирни коллеж директори Миржамол Одилов кириш сўзи билан очди. Ўқувчилар севимли ижоди ҳақида фахрланиб сўзлашди ҳамда унинг шеърларидан ёд олишди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан шоирнинг «Жаннатга йўл» достонидан ижро этилган саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритди. Тадбирда Абдулла Орипов ўзининг янги ёзган шеърларидан ўқиди. Тадбир давомида ижодий мулоқотга ташриф буюрган меҳмонлар таниқли шоиримизнинг серқирра ижоди, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлгани, миллий ва халқчил шеърлари билан адабиёт ихлосмандлари қалбидан мустаҳкам жой олганлиги ҳақида фахр билан гапирдилар. Дарҳақиқат, Абдулла Орипов ҳамиша элу-юртнинг севимли шоири, фахри-ғурури бўлиб келди. У инсон қалбининг янги-янги қирраларини кашф этиб, одамларни яхшилик, олижаноблик, гўзалликка ундаб келмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов айтганидек: «Абдулла Ориповнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ўз услуби, ўз овози бор».

Ижодий учрашув сўнгида Абдулла Орипов билан ўқувчилар ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар. Савол-жавоблар тарзида ўтган қизғин учрашув ўқувчилар қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Насиба МУҲИБОВА,
коллеж ўқитувчиси

Премьера!

САҲНА — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ТЕАТРНИ ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ, ИНСОНЛАР ТУРМУШИ, ғАМ-ТАШВИШИЮ ҚУВОНЧИНИ, ҚОЛАВЕРСА, ҲАЁТНИНГ АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАРИНИ САҲНАДА ЁРҚИН АКС ЭТТИРУВЧИ БИР КЎЗГУ ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.

Ўзбек Миллий академик драма театрида кейинги пайтларда саҳналаштирилаётган янги спектакллар санъат ихлосмандларининг эътиборини тортмоқда. Айни кунларда мазкур театрда янги «Уч кунлик дунё» номли спектакль премьераси намойиш қилинмоқда. Таниқли режиссёр Марат Азимов томонидан саҳналаштирилган ушбу асар риштонлик Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиров қаламига мансубдир. Кўп йиллардан буён кулолчилик билан шуғулланиб келаётган таниқли уста театр санъатининг чин мухлисларидан саналади. Аввалига кичик-кичик миниатюралар ёзиб юрган уста кейинчалик катта саҳна асарига қўл урди. Натижада «Уч кунлик дунё» асари юзага келди.

— Асар муаллифи Фарғона водийси, Риштондаги қишлоқлардан бирида бўлган воқеани ёркин тасвирлаб берган, — дейди режиссёр Марат Азимов.— Спектаклда бош қаҳрамон Эркин бува — ёшлардаги лоқайдлик ва бепарволикни кўриб ниҳоятда куюнади. Сўнг қани энди ёш бўлиб қолсам, деб орзу қилганча пинакка кетади. У орзу қилган воқеалар тушида кечади. Биз беш кунлик дунё деймиз. Лекин воқеалар уч кун ичида бўлиб ўтади. Шу боис спектакль «Уч кунлик дунё» деб номланган. Саҳнада Эркин бува ролини Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов талқинида кўрамиз. Эркин машҳур актёр Шукур Бурхоновнинг шогирдларидан. Унинг мазкур томошада устозини эслатувчи баъзи хатти-ҳаракатлари томошабинни ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки шогирднинг устозига тақлид қилиши табиий ҳол. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Иброҳимбекова Рузвон кампир ролини маҳорат билан ижро этган. Шунингдек, спектаклда Рихсивой Авазов, Фарҳод Абдуллаев, Шуҳрат Нуралиев каби истеъдодли актёрлар ўзларига топширилган ролларни қиёмига етказиб ўйнашган. Хуллас, ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат умумлашган асар юзага келган.

— Ушбу асарни Набижон Қодиров мен учун ёзган, десам адашмайман,— дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов.— Албатта, ҳар бир асар драматурглар, актёрлар ва режиссёрлар томонидан бироз сайқалланади, бойитилади. Бу асар ҳам шундай бўлди. Мен шахсан спектаклдаги Эркин буванинг қўшниси Сотиволди ва ўз ўғлига айтган гаплари, насиҳатларини ўзим қўшганман. Эркин бува кексайган чоғида кенжа ўғлининг ҳеч бир ишга бўйни ёр бермаслигидан, қўшниси Сотиволдининг ялқов, беғамлигидан куюниб хуноби ошади. Ва қани энди мўъжиза юз берсаю ёш бўлиб қолсайдим, деб орзу қилади. Ва бу орзуси тушида рўй беради. Спектаклда ҳар даврнинг ўзининг нашъу намоси бўлиши, ҳаёт тенгдошларинг билан ширин эканлиги ёркин ифода этилган. Чуқур маънога эга бўлган спектаклдаги Эркин бува ролини катта иштиёқ билан ижро этдим. Албатта спектаклга аввало томошабин ўзи холис баҳо беради, деб ўйлайман.





Айтиш жоизки, спектаклда жуда оз актёрлар иштирок этган бўлсада, лекин улар катта ва чуқур маънога эга образларни яратишган. Ҳар бир инсон ўзи яшаган жамиятда ўз тенгқурлари орасидагина бахтиёр эканлиги содда характерлар орқали очиб берилган. Кексайган чоғида эру хотиннинг бир-бирига суянчиқ ва ҳамдард бўлиб яшаши ҳам бир бахт эканлигини томошабин ҳам қалбан ҳис этади, албатта.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Уч кунлик дунё» спектаклидан лавҳалар.

Раҳмонбек Исломов олган суратлар

«ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ» МИСРДА ҲАМ ЭЪЗОЗЛАНАДИ

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА «ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ» КИТОБИНИНГ ИККИНЧИ ЖИЛДИ ҲАМ НАШР ЭТИЛДИ.

Миср болажонлари доирасига мўлжалланган ушбу тўпламда ўзбек халқининг анъана ва урф-одатлари, тарихий ва маданий қадриятлари, миллий фольклоримиз ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур китобнинг ҳар икки жилди мисрлик таниқли ёзувчи, адабиётшунос Абдураҳмон Ал-Хамисий таржимонлигида чоп этилди. У Ўзбекистонда ўзининг кинематографлик фаолияти билан ном қозонган. А.Хамисий узоқ йиллар мобайнида Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари кино усталари ҳамда ёзувчиларининг турли халқаро анжуманларида фаол иштирок этган.

Китобда кўп асрлар давомидаги Мовароуннаҳр ҳаёти, халқ бадиий санъати ва тарихий воқеалари акс этган ўзбек мумтоз миниатюралари тўлақонли изоҳлар ва уларнинг таржималари билан араб ўқувчилари эътиборига ҳавола этилган. «Ўзбек халқ эртаклари» китоби болажонларни Ватанга муҳаббат, адолатпарварлик, одоб-ахлоқ, вафо ва садоқат сингари инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Жаҳон» АА

Таълим

МОНОГРАФИК НАШР

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА. АНА ШУ ЖАРАЁНДА БУ КЎҲНА ФАН МАРКАЗИ ТАРИХИГА ОИД ҚАТОР ТЎПЛАМЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ.

«Хоразм Маъмун академиясининг олис-яқин юлдузлари» деб номланган монография ҳам шу қутлуғ санага яхши совға бўлди. Тошкентдаги «Иқтисод-молия» нашриёти томонидан чоп этилган мазкур йирик илмий тўпламда ушбу академияда фаолият кўрсатган машҳур алломаларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳамда таълим ва тарбияга оид қарашлари баён этилди. Китобхон бу нашр орқали машҳур олимларнинг издошлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам яқиндан танишади. Янги монография таълим муассасалари учун фойдали ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади.

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ САНЪАТИ ЎЗИГА ХОС ЖИДДИЙ ИЖОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА КЕНГ ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАН БУНДАЙ САНЪАТНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИДА ҲАМ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Таниқли санъатшунос олим профессор Ҳамидулла Акбаровнинг кино-теледраматургия йўналишида амалга оширган тадқиқоти ҳам қутилган натижани берди. У «Кино-теледраматургия: назария ва амалиёт» деган номда алоҳида китоб ҳолида чоп этилди.

«Кино-теледраматургия» ўқув дастури бўйича яратилган бу янги ўқув адабиёти журналистика йўналишидаги ўқув юртлари ўқитувчи ва талабаларига, кино ва телевидение санъатига қизиқувчилар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

НОТИҚЛИК САНЪАТИДАН ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚИ ТАЪЛИМДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. НУТҚИЙ МАДАНИЯТНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШ ҲАМ ДАВР ТАЛАБИДИР.

Олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида жорий этилган «Нутқ маданияти» курси дастури бўйича ёзилган ўқув адабиётлари босмага тайёрланаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. «Нотиқлик санъати сирлари» деб номланган қўлланма эса босма юзини кўрди. Нотиқлик санъатининг бошқа предметлар билан ўзаро алоқаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотади.

«Адолат» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Нутқий маҳорат» китоби ҳам толиби илмлар қўлига бориб етди. Бу янги нашр ҳам бўлғуси филолог, журналист ва ихтисослашган мактаб ўқувчиларига яхши совға бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Заҳматкашларимиз

САНЪАТНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛЛАР ПОК ВА БЕҒУБОР БЎЛАДИ,ДЕЙДИЛАР. ҲАҚИҚАТАН САНЪАТИМИЗНИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИШ, ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН, АЙНИҚСА, ЁШ АВЛОД ҚАЛБИДА САНЪАТГА МЕҲР УЙҒОТИШДА ЖУДА КЎПЛАБ УСТОЗ САНЪАТКОРЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁС ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИДИР.



Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси, устоз-мураббий ва тажрибали санъаткор Азим Азизовнинг хизматлари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Ҳозирги кунда Азим Азизовнинг номини республикамизда билмайдиган киши топилмаса керак. Азим ака республикамизда халқ истеъдодларининг шаклланишида алоҳида хизмат кўрсатаётган заҳматкаш ижодкорлардан биридир.

Азим аканинг отаси раҳматли Тешавой Азизов уруш қатнашчиси, иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай узоқ йиллар жамоа хўжалигида тракторчилик қилган. Онаси Комилахон ая эса (охирати обод бўлсин) ўнта фарзандни тарбиялаб вояга етказган ва бутун умрини далада ўтказган. Бу оила санъатни жуда севар, ардоқлар эди. Азимнинг яқин қариндошлари, машҳур санъаткорлар Т.Жалилов, Э.Жалилова, Н.Йўлдошев, Х.Тўхтасинов, С.Тўхтасинов ҳамда машҳур рақҳоса М.Турғунбоевалар Азимжонларнинг хонадонида тез-тез меҳмон бўлишарди. Уларнинг санъат ва ҳаёт ташвишлари ҳақидаги мулоҳазалари ёш Азимжоннинг қалбида санъатга ҳавас уйғотган бўлса ажаб эмас. Шу боис у дастлаб Андижондаги 1-маданият уйидаги бадиий-ҳаваскорлик тўгарагига қатнаб, кекса созанда ва хонанда Баҳром Ҳакимовдан илк бор қўшиқ айтиш сирларини ўрганди. Кейинчалик бадиий жамоаларнинг вилоят кўригида «Оҳангарон» номли қўшиқни ижро этиб Тошкент маданий-оқартув техникуми (ҳозирги маданият ва санъат коллежи) га ўқишга йўлланма олди. Бу билим даргоҳида машҳур санъат усталаридан санъатнинг энг нозик қирраларини қунт билан ўрганди. Республика ашула ва рақс байрамида «Чаққон йигит» рақсини юксак истеъдод билан ижро этган Азим Азизовнинг санъати муносиб баҳоланиб, уни М.Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясига ишга тавсия этишади. Бу даргоҳда Азим ака машҳур санъаткорлар билан бирга ишлаб мамлакатимизнинг узоқ-яқин қишлоқларида гастрол сафарларида бўлди. Иш давомида тинмай изланиб, янги-янги концерт дастурларини яратди. Унинг ижросидаги «Лочин ўйин», «Минг чарх», «Андижонча», «Помирча рақс», «Шўх ўғлон», шунингдек тожикча, афғонча рақслар нафақат республикамизда, балки чет мамлакатлар —Германия, Польша, Чехословакия, Куба, Бангладеш, Бельгия, Голландия давлатларида ҳам тилга тушган. Ўзи эса «Жаҳон халқлари рақслари ижрочиси» сифатида эътироф этилган. 1972 йили «Ўзбектелефильм» студияси томонидан «Азим Азизов рақсга тушади» номли фильм-концерт яратилди.

Азим акадаги бадиий ҳаваскорликка нисбатан кучли иштиёқ ва интилиш уни бир умрга чинакам иккинчи истеъдод соҳибига айлантирди. У аввалига Шайхонтоҳур туманидаги 3-маданият уйини очиш билан бирга, бир вақтнинг ўзида «Баёт» номли қўшиқ ва рақс студиясини ташкил қилди. Ушбу студия шаҳримиздаги маданият уйлари орасида биринчи бўлиб «Халқ ансамбли» унвонига сазовор бўлди. Азим Азизов йигирма йил мобайнида ушбу машҳур халқ ансамбли студиясига директорлик қилди. Унинг серқирра ижоди ва фаолияти, юксак ижрочилик маҳорати мамлакатимиздаги барча маданият уйлари ва ҳаваскорлик дасталарига ўрнак бўлиб хизмат қилди. Мазкур ансамблдан таниқли созанда ва хонандалар, машҳур санъаткорлар етишиб чиқдилар. «Баёт» халқ студияси А.Азизов раҳбарлигида дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларида ўзбек халқ ижодиёти ва бадиий-ҳаваскорлик санъатини кенг намойиш этиб катта ютуқларга эришиб қайтди.

Юксак маҳоратли балетмейстер ва режиссёр Азим Азизов саҳналаштирган бир қатор ўзбек рақсларини кўриб: «Булар ҳаваскорлар эмас, чинакам артистлардир»,— деб ёзган эди Германиянинг Бон шаҳрида чиқадиган «Шпигель» журнали.

— Азим Азизов Худо томонидан яратилган ноёб санъаткорлардан биридир. Ундаги ташкилотчилик ва ўта тиришқоқлик қобилиятидан биз устозлар ҳамиша қувонамиз ва ҳақли равишда фахрланамиз,— деган эди машҳур рақҳоса Мукаррама Турғунбоева.

Шуни ҳам таъкидлаш керак, Азим ака республикамизнинг турли вилоятларида омалашган ашула ва рақс дасталарини ташкил этган заҳматкаш устоз-санъаткордир. Шунингдек, у республика ўқувчилар саройи қошида «Чаман» намунали болалар фольклор-рақс дастасини ташкил этиб ўзининг ташкилотчилик қобилияти ва ёшларга санъат сирларини эринмай ўргата билиш маҳоратини яққол намоён этди. 1991 йили Азим аканинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, бир неча бор халқаро фестивалларда кўрик-танловларнинг фаол иштирокчиси ва совриндори бўлди. 1990 йилдан то шу кунга қадар Ибн Сино номли маданият марказини ташкил этиб,унга раҳбарлик қилиб келмоқда. Марказ қошида бугунги кунда «Умид» ёшлар фольклор-рақс студияси, «Абдулла» ва «Умид» қўшиқ чолғулари дасталари, доирачилар,хор ва якkахон хонандалар гуруҳлари, болалар рақс дастаси, карнай-сурнайчилар, шунингдек, «Ўткурий» ҳажвий театр студияси, давлат тилини ўрганиш, гулчилик, наққошлик, шахмат-шашка ва шунга ўхшаш ўндан ортиқ турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда ушбу тўгарак ва студияларга 200 дан ортиқ ёшлар фаол қатнашмоқдалар. Айниқса, «Умид» ёшлар студиясининг бой ижодий йўналиши ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Ушбу гуруҳ 1995-2005 йилларда ўзбек фольклор-рақс санъатини дастлаб Туркиянинг Анқара, Истамбул, сўнгра Германиянинг Берлин, Дрезден, Магдебург шаҳарларида, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Франция, Бельгия, Голландия давлатларида, ундан кейин Италиянинг Рим, Милан, Венеция шаҳарларида ўтказилган турли халқаро фольклор рақс фестивалларида муваффақият билан намойиш этишган.

Бугунги кунда Азим ака ўз фаолиятида марҳум санъаткорлар хотираларига бағишлаб тадбирлар, машҳур санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар ўтказиб келмоқда. Жумладан таниқли рақҳоса М.Турғунбоева хотирасига бағишлаб «Устозлар-,шогирдлар ва санъат гулшани», «Санъат ва спорт гўзалликка чорлайди» мавзуларидаги катта оммавий тадбирлар фикримиз далилидир. Айни кунларда Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Санъат инсонларни ҳамиша эзгуликка чорлаб келади. Маданиятимиз ва санъатимизнинг ҳақиқий фидойиси, тинимсиз изланиб, ижод қилиб келаётган устоз санъаткор Азим Азизовни ёшлар қалбига эзгулик нурларини улашиб келаётган жонкуяр инсон деб атасак муболаға бўлмайди. Зеро, олтмиш ёшда ҳам доимо ёшлар орасида бўлиб,уларни маънавий юксалишга ундаётган, санъатнинг сеҳрли оламига ошно қилаётган заҳматкаш устоздан шогирдлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам доимо миннатдор бўлиши, шубҳасиз.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўлганнинг доно бўлмур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,
Ибратомуз хизмат айлаб, иззат ол.
Анбар ОТИН

Эй фарзанд, сен ҳеч қачон улуғлик кетидан қувма! Улуғликни излаш ва барчадан устун бўлишни хоҳлаш чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан обрў топишни ўйлама. Чунки бундай қилиш ясама обрў топишга уринишдир.

«Жовидони хирад»

Жаҳон ўзбошимчалари
майдонда обрў қозонолмайди.
Иттифоқла бириккан бармоқлар
қиличнинг ишини қилар.
НОДИРА

Айтишларича, иззат ва улуғликнинг сабаблари бештадир, яъни мазкур бешта сифат кимда бўлса, у одам улуғлик ва иззат отига минади. Улар қуйидагилар: тўғрисўзлик, сирини яшира билиш, ваъдага вафо, насиҳатни қабул қилиш ва омонатга хиёнат қилмаслик.

Давлат учун кўнгилни зор этма,
Иззат учун ўзингни хор этма.
БОБУР

Банда бўлсанг, манманликни
зинҳор ташла,
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла.
Аҳмад ЯССАВИЙ

Ҳакимларнинг айтишларича, ҳар ким бадавлатлик пайтида дўстларига ёрдам қўлини чўзмаса бечоралик пайтида ҳеч ким унга ҳам қўлини чўзмайди. Сўрадилар: «Дўст ким?» Жавоб берди: «Оғир кунларда қўллаган киши!»

«Маҳзан ал-улум»

Ҳақиқий дўстунг ёрингдур улким,
Кўлунг тутса оёқдин тушганингда.
Сайфи САРОЙИ

Дўстларнинг ғамини егил доимо,
Дўстлар хурсанд бўлса дўст
ҳам хурсанддир.
Ҳар кимса дўст учун кисса банд қилса,
Билгинки, ўзи ҳам лойиқи банддир.
Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Ҳувайдо ҳар кишини дўст тутай дер,
Анинг беҳимматлиғидин ёт бўлур ўз.
ҲУВАЙДО

Эй азиз, билгинки, дўст дўстнинг ёнида бўлса ҳам ёки узоқда бўлса ҳам улар бир-бирларига нисбатан ҳеч ўзгармайдилар, бир-бирининг шодлигига ҳамдард бўлади, ғам келса, бирга куйишади, дўстига яхшилик қилса уни унутади. Дўст унга яхшилик қилса ҳеч қачон унутмайди, агар дўстида хато содир бўлса кечиради, дўстига яхшилик қилса у қайтарармикан деб таъма кўзини тикмайди. Фақат молпараст кишилар бойлик билан барча нарсани ўлчайдиган кишилар шундай хаёлда юриши мумкин.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Гарчи зоҳирда барча дўстдурлар,
Бўлма эминки, душманинг йўқдурур.
МУНИС

ҲИКОЯТ. Бир улуғ кишининг дўсти тунда эшик қоқиб келди. Улуғ киши ўрнидан турди, бир халта пул олди, ўткир қилич осди ва канизагига шам олиб бирга юришини тайинлади. Эшикни очиб дўстига деди: «Сенинг келишингни уч нарса тахмин қилдим. Биринчи, бирор ҳодиса юз бериб, пулга муҳтож бўлдингми деб, пул олиб чиқдим. Иккинчи, душман сенга ҳужум қилдимикин деб, қилич кўтариб чиқдим. Учинчи, бирор муҳим ишинг чиқдими деб, канизагимни олиб чиқдим».

Дўсти ундан узр сўради ва кўнглида унга нисбатан дўстлик ва ишончи яна ҳам ошди. Байт:

Дўстларнинг ҳожатин чиқаргил тезда,
Кам ўйла, демагин фойда ё зарар.
Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Ёру дўстларнинг кўнглини синдирма,
юкини кўтар,
Киши кўнгли юпқа шиша мисолдир,
Уни эҳтиёт қил, қўзғатма, синади.
Кишининг кўнгли қолса, ҳаловат кетади.
Яқинлик истасанг, кўнгил олгин, кўнгил
Кўнгил синса, яқинлик кетади.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Бир ҳаким буюради: «Дўстинг сенга насиҳат қилишдан эринса, тўғри йўл кўрсатишга уринмаса, айбингдан сени огоҳ қилмаса, ундай дўстдан кечмоқ ва узоқлашишдан ғамга тушмоқни хаёлга ҳам келтирмаслик керак». Шеър:

Кимки айбларингни айтса агар юзингга,
Кўзларидан шод бўлиб ўпсанг
ҳамки оз эрур.
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Мингта одамни ўзингга дўст қиламан деб, битта одамни душманга айлантирма, чунки дўст мингта бўлса оз, душман битта бўлса кўпдир.

«ОТАЛАР сўзи»

Қариндош номувофиқ ошнодин,
Мувофиқ етти бегона яхши.
Муқаррар дўстики бўлса нодон,
Ки андин душмани фарзона яхши.
КАМИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, БУ ЙИЛГИ СПОРТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ — «УМИД НИҲОЛЛАРИ—2006» МУСОБАҚАЛАРИ ЎЗИНИНГ 2700 ЙИЛЛИК ТЎЙИНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАРШИ ОЛАЁТГАН ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Ёшлар — келажагимиз

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Шуни мамнуният ва ифтихор билан айтиш мумкинки, бу йилги мусобақаларда Тошкент шаҳри терма жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Мусобақаларнинг биринчи ўрин соҳиби бўлган спортчиларимизга энг қимматли совғин — Президентимизнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда «Дамас» автомашинаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ва Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниевлар томонидан тантанали равишда топширилди.

«Умид ниҳоллари —2006» мусобақаларининг Республика босқичида пойтахтимиз шарафини 143 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ҳимоя қилди. Таъкидлаб ўтганимиздек, шаҳримиз терма жамоаси аъзолари ўзларининг имкониятлари ва салоҳиятлари билан тенгдошларидан ажралиб турди. Шу боис улар 113 та олтин, 14 та бронза, 43 та кумуш медалларни қўлга киритдилар. Бу муваффақиятлар спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, шахмат турлари бўйича ўз иқтидорларини амалда намойиш эта олган ўқувчиларимизнинг меҳнатлари самараларидир.

Эрта тонгдан марказий темир йўл вокзали одамлар билан гавжум бўлди. Ҳамманинг кўнглида ягона тилак, у ҳам бўлса олий совринни қўлга киритган шаҳримиз терма жамоасини самимий муборакбод этишдир. Шу боис карнай-сурнай наволари барчани ушбу қувончли лаҳзаларга чорлади. Ниҳоят белгиланган вақтда Қарши —Тошкент поезди манзилга етиб келди. Ўзига хос ютуқлар билан шаҳримизга қайтган умидли спортчиларимизни уларнинг ота-оналари, тенгқурлари, устоз мураббийлари илиқ қарши олдилар.

Биз фурсатдан фойдаланиб «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинлари қатнашчиларини суҳбатга тортдик.

— Спортнинг шахмат тури кишидан юксак интеллектуал салоҳиятни талаб этади,— дейди спорт устаси, Тошкент шаҳридаги 147-ўрта умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шоҳида Собирова.—Ўйинларда мен шахмат бўйича биринчи ўринни қўлга киритдим. Муваффақият қозониш осон кечмади. Негаки рақибларим кучли спортчилар эди. Лекин устозларимнинг меҳр тўла ўгитлари, чеккан заҳматларим, қолаверса, ватандошимиз, таниқли шахматчи, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов сингари шахматчи бўлиш орзуси мени ана шундай ютуқларни қозонишимга ундади.

— Мусобақада муваффақиятга эришиш менга ҳам осон кечгани йўқ,— дейди «Стол тенниси бўйича ғалабага бўлган ишончи учун» номинацияси совриндори Римма Буфрина.— Бу йилги мусобақаларда жамоадошларим қатори мен ҳам имкон қадар шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қилдим. Қилган ҳаракатларим бесамар кетмади. Ҳозир эса бениҳоя ҳаяжондаман. Имкониятдан фойдаланиб менинг шундай натижаларни қўлга киритишимга сабабчи бўлган барча устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, «Умид ниҳоллари — 2006» ўйинлари ўсиб келаётган ёш авлод ҳаётида, шубҳасиз, ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади ва шу билан бирга фарзандларимиз иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Футбол

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 8-ТУРИДА ШАҲРИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР» САФАРДА «АНДИЖОН» ЖАМОАСИ БИЛАН КУЧ СИНАШИБ МУҲИМ ИККИ ОЧКОДАН МАҲРУМ БЎЛДИ.

Гап шундаки, мамлакат чемпионига муносиб қаршилик кўрсатишни ният қилган мезбонлар уюшқоқ ҳаракат қилиб «Пахтакор» билан тенгма-тенг ўйин намойиш эта олишди. Аммо биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Қизиғи, иккинчи бўлимнинг бешинчи дақиқасидаёқ мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб жамоасини ҳисобда Жепаров олдинга олиб чиққан бўлсада, пахтакорчилар ана шу кичик ҳисобдаги ғалабани сақлаб қола олишмади. 75-дақиқада Бахтиёр Ҳамидуллаев томонидан пахтакорчилар дарвозаси ишғол этилди. Қолган дақиқаларда ҳар икки жамоа аъзолари дарвозага тўп йўллашга қанчалик уринишмасин бунинг уддасидан чиқа олишмади ва муроса йўлини танлашди. Шундай қилиб қизиқарли беллашув 1:1 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор»—«Бухоро»—1:3, «Тўпаланг»—«Хоразм»—4:0, «Локомотив»—«Қизилқум»—1:1, «Сўғдиёна»— «Насаф»—0:2, «Шўртан»—Самарқанд—Динамо» —1:0, «Нефтчи»—«Машъал» —1:0, «Металлург»—«Навбаҳор—Н»—1:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 9-тур баҳслари 12,13-май кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика акционерлик –тижорат банки «Ғаллабанк» шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг кундалик эҳтиёжлари молларини харид қилиш ҳамда коммунал тўловларни тезкор ва сифатли амалга оширишларига кўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида ўз терминаллари ўрнатилганлигини маълум қилади. Терминаллар қуйидаги манзилларда жойлашган:

№	Терминал ўрнатилган корҳона номи	Манзил (вилоят, туман, шаҳар, кўча)	Ўрнатилган жойнинг иш вақти	Хизмат ва савдо тури
1	Амалиётлар бошқармаси	Миробод тум.,Шаҳрисабз кўч., 36-уй	9:00-18:00	Банк хизматлари
2	«New world» кафеси	Миробод тум., Отатурк кўч.,28-уй	8:00-18:00	Умумий овқатланиш
3	«Шинам» кафеси	Миробод тум., Мовароуннаҳр кўч.,13-уй	9:00-18:00	Умумий овқатланиш
4	«Ҳамкор сервис» МЧЖ	Миробод тум., Шаҳрисабз кўч.,36-уй	9:00-18:00	Умумий овқатланиш
5	ЯТТ «Абдуллаев А.К»	Миробод тум., Мовароунаҳр кўч.,13-уй	9:00-18:00	Чакана савдо
6	ЯТТ «Қодиров А.Х»	Миробод тум., Нукус кўч., 4-уй	9:00-18:00	Мебель магазини
7	«Ким Хаус» кафеси	Миробод тум.,Афросиёб кўч.,35/1-уй	9:00-18:00	Умумий овқатланиш
8	Тошкент вилояти минтақавий филиали	Миробод тум., Мовароунаҳр кўч.,13-уй	9:00-18:00	Банк хизматлари
9	«Истиқлол» минибанки	Чилонзор тум., 11-даҳа 18-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
10	«Чилонзор» минибанки	Чилонзор тум., К.Исоқов кўч., 23-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
11	Дўмбиробод-нон»МЧЖ	Чилонзор тум.,К.Исоқов кўч.,23-уй	8:00-18:00	Нон маҳсулотлари
12	«Мевазор» минибанки	С.Раҳимов тум.,Ғофуров кўч.,69-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
13	«Шайхонтоҳур» минибанки	С.Раҳимов тум., Беруний кўч., 88-уй	9:00-18:00	Коммунал тўловлар
14	«Сағбон-нон» МЧЖ	С.Раҳимов тум., Сағбон кўч.,291-уй	8:00-18:00	Новвойхона
15	«Саховат» минибанки	Ҳамза тум., Паркент йўли кўч., 35-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
16	«Олтинбошоқ» минибанки	Ҳамза тум.,Мусахонов кўч., 33-уй	9:00-18:00	Коммунал тўловлар
17	«Бобур» минибанки	Яккасарой тум.,Бобур кўч.,40-б-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
18	«Сен Сан» дўкони	Миробод тум., Кичик Бешёғоч кўч.204-уй	8:00-19:00	Чакана савдо
19	ЯТТ«Алимжонова Н.»	Миробод тум., Тошкент марказий универмаги	9:00-18:00	Маиший хизмат
20	Юнусобод филиали	Юнусобод тум., Ш.Рашидов кўч., 94А-уй	8:00-18:00	Банк хизматлари
21	«Гулмисафа» кафеси	Юнусобод тум.,Эргашев кўч., 28-уй	8:00-18:00	Умумий овқатланиш
22	«Maing»кафеси	Юнусобод тум., Эргашев кўч., 29-уй	8:00-18:00	Умумий овқатланиш
23	«Бахт назир» МЧЖ	Юнусобод тум.,А.Темур кўч.,Олой бозори, 45-уй	8:00-18:00	Чакана савдо
24	«Ҳамидулло ота»МЧЖ	Юнусобод тум., Ш.Рашидов кўч., 94А-уй	8:00-18:00	Чакана савдо
25	«Олой» минибанки	Юнусобод тум., А.Темур кўч., Олой бозори, 45-уй	8:00-18:00	Коммунал тўловлар
26	«Мўмин Шукур» кафеси	Юнусобод тум., Х.Асомов кўч., 2-уй	8:00-18:00	Умумий овқатланиш

Мурожаат учун телефонлар: 133-98-80; 136-15-01; 136-26-57
«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари цирклари артистлари чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

2006 йилда ишлаб чиқарилган «Матиз» автомашинаси кейинчалик сотиб олиш йўли билан
ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ
Т: 111-58-21

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

Мунажжим башорати

МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИНГИЗНИ АНИҚЛАБ ОЛИНГ

12 МАЙ, ЖУМА

ТАНЛАШ КУНИ – ЯЪНИ ВАЗИЯТ У ЁКИ БУ ХИЛ ХАТТИ-ҲАРАКАТНИ ТАНЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ИСТИҚБОЛЛАР ШУ ИККИ ЙЎЛ БИЛАН СИЗНИ ЧЕКЛАБ, ЗАРУРАТ ДОИРАСИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА МАЖБУР ҚИЛАДИ. КЎП НАРСАЛАР ЮҚОРИДА ҲАЛ БЎЛАДИ. ЗЕРО, ҲАММАМИЗ ҲАМ У ЁКИ БУ ДАРАЖАДА ЮҚОРИ ТАШКИЛОТЛАРГА БОҒЛИҚМИЗ. ЎЗБОШИМЧА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАҚБУЛ ЭМАС.

Хатоларга йўл қўймаслик учун яна бир бор муайян бир иш юзасидан мақсад ва вазифаларингизни ўзингиз учун аниқлаб олинг. Даъво-талабларингизни бирмунча юмшатинг. Акс ҳолда можаролар келиб чиқиши ҳеч гапмас. Ишда бу - вазифангиздан озод этиш, мансабдан пасайтириш, шахсий ҳаётингизда ўзаро муносабатларда кам деганда орага совуқлик тушиши, кўпи билан ажралиш ва айриликда ўз ифодасини топади.

Олов билан боғлиқ барча аломатлар яхшиликка бўлмайди. Электр лампочкасининг куйиши йўқотишларга ишора бўлади.

Бу кеча кўрган ҳар қандай тушларингиз башоратли ҳисобланади. Тушда сувни кўриш – пул ва фойда кўришдан далолат. Осмонни кўриш ва тушда учиш хурсандчилик ва саломатлигингиз мустаҳкамланишидан хабар беради. Тушда парранда ва ҳайвонларни кўриш, айниқса уларга тегиб кетиш нохушликлардан огоҳлантиришдир.

Кийимлардан зарғалдоқранг ва кумушранглилари бугунги кун руҳига мос бўлади. Қора ва яшил либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
СОБИР РАҲИМОВ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ
2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КОЛЛЕЖГА:

Тошкент шаҳар, Тошкент вилоятининг Тошкент ва Қибрай туманларида яшовчи, 9 - синф, 11 - синф маълумотига эга бўлган йигит - қизлар

- "Тиббиёт ҳамшираси",
- "Фармацевт ассистенти"
- "Лаборатория диагностикаси" мутахассисликлари бўйича абитуриентлар қабул қилинадилар.

Қабул қилиш қоидалари:

9 - синф ҳажмида битирувчилар Давлат гранти асосида, **ўқиш муддати:** 2 йил 10 ой.

11 - синф ҳажмида битирувчилар тўлов – шартнома асосида, **ўқиш муддати:** 1 йил 10 ой.

АБИТУРИЕНТЛАР ТОПШИРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

- ***Директор номига ариза (намуна бўйича);***
- ***Ўрта маълумоти ҳақида ҳужжати (ттестат ёки гувоҳноманинг асл нусхаси);***
- ***6 дона 3 х 4 ҳажмдаги фотосурат;***
- ***086 - У ва 0-63 шаклдаги тиббий маълумотнома;***
- ***Турар жойидан маълумотнома;***
- ***Паспорт, ҳарбий билет, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳужжат топширилаётган пайтда кўрсатилади.***
- ***Конверт***
- ***Скоросшиватель***

12 - МАЙ 2006 ЙИЛ – "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"

"Халқимиз дардига малҳам бўламан" деган йигит-қизлар коллежимизга ўқишга марҳамат қилинг.

Манзилимиз: Тошкент - 109, Шифокорлар шаҳарчаси, 6 - ётоқхона биноси.

Автобуслар: 10, 28, 34, 82, 116, "Собир Раҳимов тиббиёт коллежи" бекати. Трамвай 12. "29 - мактаб" бекати.

Мўлжал: 2 - Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ўқув биносига 1 бекат етмасдан, 34 - оилавий поликлиника тўғрисидаги 4 қаватли бино.



— Ковурдоқ деган эдинг, роса қовурдим.

Бахромжон Калонов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6